

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
РЕСУРСЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ**

Хаттабов Муродулла Ботирович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети изланувчиси

Молиявий барқарорлик тушунчаси иқтисодиётнинг умумий ва шу билан бирга асосий терминларидан бири бўлиб, доимий равишда аниқлик киритишни талаб қилади. Чунки молиявий барқарорликнинг моҳиятини тўлиқ ва аниқ белгилаб олиш уни сон жиҳатидан аниқ ўлчаш ва унга самарали таъсир кўрсатиш имконини беради. Ҳозирги даврда шу тан олинганки, суғурталовчининг молиявий барқарорлигини аниқлаш масаласи – суғурталовчиларнинг ўзлари, уларнинг ҳамкорлари, суғурталанувчилар ва давлатнинг муаммоси.

Молиявий ресурслар суғурта ташкилотлари ихтиёридаги пул маблағлари бўлиб, улар жорий харажатлар ва суғурта хизматларини ривожлантириш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари молиявий мажбуриятларни бажариш ва ходимларнинг моддий таъминотини амалга ошириш учун ишлатилади.

Шунингдек суғурта бизнеси молия бозорининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, ушбу секторда бизнес-жараёнларни амалга оширишнинг асосий воситаси пул оқимлари ҳаракати ҳисобланади. Пул оқимларининг самарали ҳаракати ва қайта тақсимланиши жами бизнеснинг қийматига боғлиқ. Шу муносабат билан суғурта бизнесининг қийматини баҳолашда ташкилотнинг пул оқимларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчи ўринда суғурта бизнесининг ўзига хосликларига эътибор қаратамиз.

Биринчидан, суғуртанинг бевосита иштирокчилари сифатида товар ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар, яъни суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ҳисобланади.

Иккинчидан, суғуртанинг бош мақсади – суғурталанувчиларнинг мулкӣ манфаатларини фавқулотда ҳодисалардан ҳимоя қилиш, суғурта тадбиркорларининг бош мақсади – фойда олиш ва уни мазкур суғурта бизнеси иштирокчилари ўртасида тақсимлашдан иборат.

Учинчидан, суғурта иштирокчиларининг мақсадини таъминлаш воситаси - суғурта маҳсулоти ҳисобланади ва у суғурталанувчилар учун суғурталовчилар томонидан яратилади¹.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар суғурта компанияси молиявий фаолиятининг, капитал шаклланиши ва маблағлар харажатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Суғурта ташкилоти капиталини шакллантириш, суғурта бизнесига молиявий ресурсларни жалб қилиш, суғурталовчи мажбуриятларини молиялаштириш имкониятига эга бўлган, ҳар қандай вақтда унинг тўлов қобилиятини таъминлай оладиган ушбу ресурсларни бошқариш ва уларни капиталнинг аниқ шаклларига айлантириш жараёнидир². Суғурта ташкилоти молиявий ресурсларни суғурта фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолиятларни амалга ошириш асосида жалб қилади. Бунда фаолиятларни бу каби йўналишларга ажратиш ушбу операцияларни иқтисодий хусусиятидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратиш билан амалга оширилади. Молиявий ресурсларнинг

¹В.Б.Гомелля Страховой бизнес: сущность и содержание [текст]/В.Б.Гомелля//Материалы ежегодной научной сессии «Роль бизнеса в трансформации Российского общества». М.: Маркет ДС, 2006. 424 с.

²Н.Н.Никулина Особенности оценки и анализа платежеспособности страховой организации [электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.insur-info.ru>.

ушбу фаолият майдонларидаги ҳаракати ўзаро боғлиқ бўлиб, суғурта компанияси маблағларининг айланма ҳаракатини юзага келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суғурта хизматлари суғурта компаниялари томонидан таклиф этилаётган, суғурта бозорининг ўзига хос товари ҳисобланади. Бошқа товарлар каби суғурта маҳсулоти ҳам ўзининг қиймати ва баҳосига эга.

Инвестицион ва молиявий фаолият ҳам суғурта компаниясининг муҳим фаолиятлари ҳисобланади, чунки улар ҳам суғурта компанияси учун зарур даражадаги капитални шакллантиради.

Суғурта компанияси капитал таркибининг асосий ўзига хослиги суғурта заҳираларининг мавжудлигидир. Суғурта заҳиралари суғурталанувчиларнинг маблағлари – суғурта мукофотлари ҳисобидан шакллантирилади ва ушбу заҳиралар суғурта қопламаларини амалга ошириш учун мўлжалланган. Улар суғурта компаниясининг хусусий маблағи эмас, улар суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталовчи бошқарувидаги маблағлардир. Уларни шакллантириш тартиблари қонунчилик асосида белгиланади.

Бизнинг фикримизча, суғурта заҳираларини юқоридагича тавсифлаш бутунлай тўғри бўлмайди. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси заҳираларидан ташқари барча суғурта заҳиралари фақат суғурта ҳодисаси юз берган суғурталанувчиларга қайтарилади ва ушбу қопламалар баъзи ҳоллардагина жами суғурта заҳираларини ташкил этиши мумкин. Ушбу заҳиралар аниқ бир суғурталанувчига тегишли эмас, балки кўп сондаги суғурталанувчилар гуруҳига тегишли. Йил давомида ишлатилмаган заҳиралар суғурта компаниясининг фойдасига айланади ва шу асосда компаниянинг хусусий капитали кўпайиб боради.

Суғурта, инвестицион ва молиявий фаолиятларни амалга ошириш натижасида жалб қилинган молиявий ресурслар фақат суғурта бизнеси учун хос таркибга эга бўлган капиталга айланади.

Молиявий ресурсларни шакллантириш бир қатор манбалар ҳисобидан амалга оширилади, Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари асосан иккита йирик манбадан ташкил топади: хусусий ва жалб қилинган маблағлар. Уларни янада аниқроқ қуйидагича изоҳлаш мумкин: хусусий ва унга тенглаштирилган маблағлар; молиявий бозордаги ресурслар; қайта тақсимлаш тартибидаги пул киримлари.

Суғурта ташкилотлари бизнесининг асосини молиявий сармоялар ва молиявий заҳиралар ташкил қилади. Суғурта фондлари ва заҳиралари уларнинг ихтиёрида бўлган пул воситаларидан ташкил топади. Суғурта заҳиралари иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестиция сифатида йўналтирилади. Хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун ишлатиладиган молиявий заҳиралар пул кўринишидаги сармоядир. Шундай қилиб, суғурта ташкилотининг молиявий менежментида сармоя бу молиявий заҳиранинг бир қисми бўлиб ҳисобланади.